«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Уйчи туман ҳокими”

__________________ Ш.Мусаев

«__» _________ 2022 й

**БУЮРТМАЧИ:**

# «Уйчи туман» Хокимияти

“Аёллар жамғармаси” маблағлари хисобидан Аёллар дафтарига киритилган уй жой таъмирига мухтож аёлларга қурилиш материаллари сотиб олиш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш.

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Уйчи тумани-2022**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

## I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Уйчи тумани "Аёллар жамғармаси" маблағлари хисобидан Аёллар дафтарига киритилган уй жой таъмирига мухтож аёлларга қурилиш материаллари сотиб олиш максадида етказиб берувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – 1 340 000сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **"Уйчи туман" Хокимлиги** (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Уйчи тумани, А.Темур кўчаси, 62-уй

Эл.адрес:**uychituman@uzex.uz**

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қуйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, махсулот ни ишлаб чикариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, ҳусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

# “Аёллар жамғармаси” маблағлари хисобидан Аёллар дафтарига киритилган уй жой таъмирига мухтож аёлларга қурилиш материаллари сотиб олиш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш.

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Уйчи туманидаги “Аёллар жамғармаси” маблағлари хисобидан Аёллар дафтарига киритилган уй жой таъмирига мухтож аёлларга қурилиш материаллари сотиб олиш учун етказиб берувчиларнинг энг яхши таклифларни танлаб олиш. |
| 2 | Буюртмачи | Уйчи туман хокимлиги |
| 3 | Буюртма учун асос | Аёллар дафтарига киритилган аёлларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш |
| 4 | Объектнпнг жойлашган манзили | Уйчи тумани А.Темур кучаси 62-уй |
| 5 | Катнашувчи учун талаблар | 1. Кум машина 1*1340000=1340000<br>Жами:  1340000 сўм |
| 6 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Етказиб берувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси хамда хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб хисобланади. Шартномага асосан 1340000 (бир миллион уч юз қирқ минг) режалаштирилган. |
| 7 | Иш тури | Буюртма асосида “Аёллар жамғармаси” маблағлари хисобидан Аёллар дафтарига киритилган уй жой таъмирига мухтож аёлларга қурилиш материаллари сотиб олиш |
| 8 | Хизматларни бажариш муддатн | 2022 йил 15 ноябргача |
| 10 | Молияташтириш манбаи | Уйчи туман хокимлиги “Аёллар дафтари” жамғармаси |

| | | |
|---|---|---|
| Туман хокими ўринбосари | | А.Ғофуров |
| Туман ҳокимлигининг бош юристконсульти | | Н.Иномшаев |
| Туман хокими ўринбосари | | С.Ахмадалиева |
| Етакчи мутахассис | | А.Мелибаев |
| Етакчи мутахассис | | Н.Мамадалиева |
| Бош мутахассис | | М.Аскаров |
| Бош мутахассис | | О.Каримова |
| Туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси | | М.Мамажанов |